

ВАТАНГА, ХАЛҚҚА, ПАРТИЯГА — ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАҚИ ҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ИЛ ЧИҚИШИ

№ 221 (2512).

10

НОЯБРЬ
ЯҚШАНБА
1963 йил

БАҲОСИ
2 ТИЙИН

Яшасин Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг зафарли байроғи, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

ЛЕНИННИНГ ЗАФАР БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАМОҚДА

МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕХНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ



Москва, 1963 йил 7 ноябрь. Мавзолей минбарига (чапдан ўнгга) Р. Я. Малиновский, Н. С. Хрущев, Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин, Н. В. Егоров ва В. Соболев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Совет Иттифоқи маршали Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Чет эллардан келган ҳурматли меҳмонларимиз!
Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ҳамда уларнинг тошхирати бинаси, сизларни Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг қирқ олти йиллиги билан табриклашаман ва кутлайман.

Улуғ Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида босиб ўтилган шонли йилни бутун совет кишилари севибли Ватанимиз учун фахрланган ва эфв хурсандлик ҳислари билан қўзда келтиришмоқдалар. Шу давр ичида бизнинг мамлакатимиз қўлоқидан тараққий қўққиларида жуда катта қадам ташлади ва эндиликда жаҳоннинг энг қудратли давлати бўлиб қолди.

Утган ҳақиқатан улуғ ўн йиллик давр мамлакатимиз тарихига ёрқин саҳфа бўлиб кетди. Партиямиз партия ва давлат турмушининг ленинча принциплари билан тўлиқ, халқ оммасининг ташаббускорлиги ва активлиги билан кенг майдон очиб берди. Саноат ва қишлоқ ҳўжалигини, фан ва техникани ривожлантиришда ҳал қилувчи ғалабалар ана шу йилларда қўлга киритилди, совет жаҳоннинг бирлиги тағин ҳам кўпроқ мустақамланди; Совет Иттифоқи ўз тараққийсининг янги тарихий даврига — коммунизм қуришнинг кенг авж олдириш даврига кирди.

Ватанимиз меҳнаткашлари Октябрьнинг полдоқ байрамини етти йиллик бешинчи йилнинг халқ ҳўжалик пиланини муваффақиятли бажариш билан нишонламоқдалар. Совет халқи ўзининг қахрамонона меҳнати билан экономикани, фан-

ни, маданиятни ривожлантиришда янгидан-янг марраларга дадил кўтариломоқда, партиямиз XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун зўр бериб курашмоқда.

Совет индустрияси муваффақиятли ривожланмоқда, янгидан-янг заводалар, фабрикалар, электростанциялар, шахталар ишга туширилмоқда. Валерий Биковскийнинг ва жаҳонда биринчи космонавт қиз Валентина Терешкованинг аjoyиб гурпуна бўлиб космосга учганилар Ватанимиз фани ва техникасининг энг катта янги ғалабаси бўлди.

Партиямиз коммунистик куринишнинг асосий фронтларида би-ни бўлган қишлоқ ҳўжалигини янада юксалтириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

Марказий Комитет июнь Пленумининг қарорларини амалга ошириш, совет халқининг маънавий кучларини янада кўпайтириш, унинг коммунистик онгини оши-ради.

Халқ ҳўжалиги ва маданиятни ривожлантиришдаги халқ фаровонлигини оширишдаги муваффақиятларимиз социализмнинг капитализмга нисбатан афзалликлари-ни кўрсатувчи энг ахши далил-дир. Бу муваффақиятлар ҳали ҳам капиталистик асорат бўйин-турутидан кутулмаган меҳнаткаш-ларни ўзига тортувчи қудратли қўлқидир. Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг импери-ализмга қарши, ўз мустақил-ликлари кўлга киритиш ва мустақамлаш учун, миллий экономи-кани ва маданиятни ривожланти-риш учун олиб бораётган кураш-ларига ўриш бўлмоқда.

Социалистик лагернинг бошқа қардош мамлакатлари ҳам социализмнинг капитализмдан шак-шўб-ҳасис устунлигини намоиш қил-моқдалар. Улар халқларнинг жа-миияти социалистик қайта қуриш йўлида нималарга эришишлари мумкинлигини Совет Иттифоқи билан бирга амалда кўрсатмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчлик ва тараққи-ётини, барча кучлари жаҳон тер-моидро урушининг олдин олиш учун, ёпасни ва батамом қулоқ-сизлиниш учун, тинчликни сақлаш ва мустақамлаш учун муттасил ва зўр бериб курашмоқдалар.

Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовал-нинг таққиллаш тўғрисидаги Москва Шартномаси тузилганлиги халқроқ кескинлигини юмшатиш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бу Шартнома тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустақамлаш йўлидаги кураш учун тағин ҳам қудай имкониятлар ву-жудга келтирди.

Империалистик давлатларнинг агрессия кучлари халқроқ кескин-лигини юмшатишга зўр бериб қар-шилик кўрсатмоқдалар, улар ку-роқсизлигини астамайтирлар, со-вуқ уруш позициясида қолмоқда-лар. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга ҳар-бий ҳўжум қилиш планларини тўзмоқдалар.

Революцион Кубага қарши тўх-товсиз қилинаётган империали-стик тинчлик ишга жиддий таҳ-дид бўлмоқда. АҚШ агрессия доираларининг ва улар қувват-лашган контрреволюцион унсур-ларнинг эрсеваар Куба халқига қарши душманлик ҳаракатлари халқроқ кескинлигини чинакам юмшатишга тўққиллик қилмоқда.

Империалистларнинг агрессия

иятлари ва империалистик биз-ни ўз Ватанимизнинг ва бутун социалистик лагернинг хавфсиз-лигини янада мустақамламоқ-учун зарур бўлган ҳамма чора-ларни қуришга мажбур қилмоқда.

Жонажон Коммунистик партия-га, коммунизм ишга чечис со-диқ бўлган, энг замонавий қуро-лар ва техника билан таъмин-ланган Совет Қуроли Кучлари Улуғ Октябрь Социалистик ре-волюциясининг ғалабаларини қаттиқ ҳимоя қилиб турибдилар, со-вет халқининг тинч меҳнати-ни ҳўшёрлик билан қўриқлаб тури-бдилар.

Агар империалистик агрессор-лар халқларнинг ироласи билан ҳисоблашмай, Ватанимизнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бош-қа мамлакатларнинг овозидига ва мустақилигига ҳамла қилса-лар, уларга қайқатич жавоб зарбаси берилади.

Яшасин Улуғ Октябрь социа-листик революциясининг 46 йил-лиги!

Яшасин коммунизм қурувчи қахрамон совет халқи!

Яшасин Улуғ Октябрь ғалаба-ларининг содиқ посбони, бутун дунёда тинчликнинг мустақам та-янчи — ғалабалар шўхрати билан қопланган шавкатли Совет Қуро-ли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг ил-ҳомчиси ва ташкилотчиси жона-жон Коммунистик партияга шон-шарафлар!

Ура!

Совет Иттифоқи гимни янграй-лайди. Артиллерия салюти гўмбур-лайди. Қўшинларнинг тантанали марши бошланади. Ҳарбий ападе-мияларнинг тингловчилари ва ўқитувчилари, ҳарбий билим юр-тарининг курсантлари, солдатлар ва офицерлар баббаравар қадам ташлаб, бир сафта тизилиб трибу-

налар ёнидан ўтиб бормоқдалар, уларни кўрган кишининг ҳаваси келади!

Мана навқирон ёшлиқнинг ўзи — армия ва флотнинг бўла-жан офицерлари — суворовчилар ва нахимовчилар майдонга кириб келишди. Улар ўзларининг қадам ташлашлари билан ҳам, мустақам бир сафта тизилиб бориш-лари билан ҳам аналаридан қў-лишмайдилар.

Моторларнинг гувуллаши эши-тилади. Бошига пўлат шлемлар кийиб олган жангчилар ўтирган бронемашиналар майдонга кириб келади. Бу — беҳисоб жанглар оловиди чинчиқ шўхрат қозон-ган М. И. Калинин номидидаги гвардиячи Тамань мото-ўчи ди-визиясининг ўзи. Никита Сергеевич Хрущев ва Фидель Кастро Рус шу дивизиясининг бўлиналарида бирида бу йил меҳмон бўлишган эди.

Ҳарбий десант қўшинларининг колониалари тушган ГАЗ-69 мар-кали тез юрар енгил машиналар гизиллаб ўтмоқда. Жангчилар қо-ра шлемлар кийиб олганлар. Жанговар қуролини қўлда маҳкам ушлаб турибдилар.

Қуруқликдаги броненосецлар деб ҳисобланган огир танклар, ўзи юрар зенит артиллерия уста-новкалари: гвардиячи Кантемир дивизияси ерни ларзага келтириб ўтмоқда. Ўтаётган замбараклар-нинг каллири тобора катталаш-моқда. Ўнг кейин жуда катта ва stoolsи узун замбараклар ўтди.

Парадининг охирида ракета қў-шинларининг бўлиналари майд-онга кириб келди. Мўлжалга аниқ бориб тегадиган ва зўр кучга эга бўлган, турли мақсад-ларга мўлжалланган зенит, так-тик ва оператив-тактик ракеталар ўзи юрар установкаларга ўрна-тилган.

Совет Ҳарбий-Денгиз Флоти

кемалари узоққа-отисадиган ало-ҳида ракеталар билан қурулган-ган. Алоҳида установкага ўрна-тилган мана шу қудратли ракета-лар ҳам ўтиб бормоқда. Сув ости ёки сув усти кемасида ўрнатилган бу ракеталар истаган вақтда оти-лиши ва ядро зарядини энг кат-та қитъанинг истаган нуқтасига элтиши мумкин.

Учиб бораётган ракеталарнинг узоқ масофаларда учувчисиз уш-лаб олувчилар бўлинимси парадда биринчи марта қатнашмоқда. Узоққа отиладиган бу зенит ра-кеталар яқинда ўтказилган машқ-ларда жуда ахши натижалар бер-ди. Бу зенит ракеталарининг жуда катта жанговар имкониятлари бор ва ҳозирги замон ҳаво-космик ҳў-жумининг ҳамма воситаларини дабдала қила олади.

Мана, жуда катта металл сига-ралар қаби ракеталар ўтиб бор-моқда. КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, Н. С. Хрущев-нинг ташаббуси билан яратилган бу ракеталарни машқур. Ўқдош-ларимизни учирган, «Восток» ке-маларини орбитага чиқарган ра-кеталарнинг синглиси деса бўлади. Бу ракеталарнинг ҳар қандай агрессорининг асини кири-тиб қўя оладиган етарли кучи бор.

Совет кишилари тинчликнинг улуғ курашчиларидир. Коммуни-стик жамият қуришдек тарихий вазифани охиригача бажармоқ учун совет кишиларига тинчлик керак. Лекин уруш қилиш нияти-дан қайтмаган кучлар жаҳонда мавжуд экан, Советлар мамлани-тининг халқи ўзининг қудратли жанговар техникасини таомил-лаштири беради.

Моторлар қизибди юборган ҳа-вонинг тапти ҳали қитгани йўқ, оркестрнинг жарангидан акс са-доси Кремль деворларидан ҳали

ҳам эшитилиб турибди, ана шу пайтда Тарих музейининг нарёни-да одамларнинг товушлари эши-тила бошлади ва байроқлар денги-зи тўққиланиб кўрина бошлади.

Октябрь билан Ленинни бир-би-ридан ажратиб бўлмайдди. Катта паноида тасвирланган ана шу ре-волюция йўлбошчиси қўлини ол-динга узатган ҳолда кўзга ташлан-ди, улуғ Ленин Қизил майдонга худди ўзи кириб келгандек бўлди. Меҳнаткашлар намоиши бошла-ни кетди.

«Катта йўл бошқилари»ни та-свирловчи ёрқин панои майдонда ҳилпираб ўтиб бормоқда. Бу па-ноида Қизил саройни ҳўжум қи-либ олган қизил гвардиячи билан космонавт тасвирланган. Халқи-миз шу йўлнинг партия раҳбарлиги-да босиб ўтди. Халқимиз ўзининг раҳнамосига, бениҳоя ишонади. Транспарантга олтин ҳарфлар бил-лан ёзилган «Партия сиёсатини маъқуллаймиз» деган сўзлар пор-лаб турибди.

Москва ёшлари фахрланиб май-донга кўтариб келган шойи бай-роқларда ҳам шу сўзлар кўзга ташланади. Зағори ва оқ тўққил-лар майдондан ўтиб бормоқда. Бу-лар — спортчиларнинг колони-алари. «Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-сао-дат». Байроқларга ёзилган бу аjoyиб сўзлар коммунизм қурув-чилар ҳозирги авлодининг ҳаёти-да абадий барқарор бўлади.

«Жонажон ҳўкуматга, севи-ли партиямизга шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоблар минглаб кишилар томонидан такрорланади. Болалар қўлида гуллар кўтар-ган ҳолда, ҳамманинг қарсақлари остида Мавзолей минбарига югу-риб келадилар.

Майдонга кириб келадиган одам-ларнинг юришининг қимиллигини би-лиш мумкин. Уларнинг бир маро-мда, дадил ва забардаст қадам таш-лашда такрорланмас улуғлик бор. Бундан 46 йил муқаддам уларнинг шундай қадам ташлаши самодержавие тахтини ларзага келтирган ва ағдариб ташлаган эди. Бугунги кунда Европа, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги миллионлаб кишилар ҳам худди шундай қадам ташламоқдалар.

Колониаларнинг охири йўққа ўхшайди. Заводалар ва фабрика-ларнинг намоидалари байрам ол-ди вахтасининг янгулари ҳақида рапорт бермоқ учун Қизил май-донга келганлар. Улар фахрланса аригудек ишлар қилганлар. Ма-млакат корхоналаридидаги шу вахта-нинг ҳар бир кунини 220 минг тонна пўлат, 55 минг тонна минерал ўғит, 22 миллион икватрат метр газлама бериб турди. Мана шу тонналар ва метрларда москвалик-ларнинг ҳиссаси оз эмас. Пойтахт меҳнаткашлари ҳар сафар бўлгани қаби бу йилги Октябрь байрами-гача ҳам ўн ойлик ишлаб чиқа-риш пиланини муддатидан олдин бажардилар.

Москва ишчилари ўтиб бормоқ-да, капиталистик давлатлардан со-вет пойтахтидаги байрамда қат-нашмоқ учун келган дўстлар аса минбарларда туриб, уларни хур-санд бўлиб табрикламоқдалар. Уларнинг ҳаммасини пролетар бирдамлиги деб аталган қудратли куч бирлаштирди. «Жаҳон халқ-лари! Хўшёр бўлингиз, уруш оло-вини ёқувчи империалистларнинг кирдиқорларини фош қилиб таш-лангиз! Монополияларнинг ҳўжум-ига, реакция ва милитаризмнинг ўзбошимчилигига қарши курашни кучайтирингиз!», «Барча мамла-катларнинг халқлари! Ядро сино-валарини таққиллаш тўғрисидаги

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Москвада Улуғ Октябрь со-циалистик революциясининг 46 йил-лигини байрам қилиш. Қи-зил майдонда Москва гарнизон-да қўшинларининг пароди. Су-ратда: (чапдан) Баллистик ра-кеталар Қизил майдонда.

Қизил майдонда Москва гар-низон қўшинларининг парад-да учувчисиз бошқариладиган ва узоққа учадиган ракета туққиларининг бўлими қат-нашди. Сурада: узоққа учад-иган зенит ракеталари. Ана шундай ракеталар ҳаводан ва космосдан бўладиган ҳўжум-ларнинг ҳозирги замон ҳамма воситаларига зарба беради.

В. Соболев ва В. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



